

ХУРШИД ДАВРОННИНГ ИНДИВИДУАЛ ПОЭТИК УСЛУБИ

Ф.Н.Буриева,

Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий ўзбек адабиёти намояндаси бўлган Хуршид Давроннинг поэтик услубини белгиловчи адабий омиллар талқин этилди. Шоир ижодидаги лириканинг хилма-хил кўринишлари, медитатив, ижровий, воқеабанд, персонажли, тавсифий лирика ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, шоир шеърлятидаги жанрий изланишлар ва анъаналар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Шоир ижодидаги етакчи мавзу бўлган тарихий мавзуларнинг жанрларда ифодаланишига шеърый мисоллар келтирилди. Тарих мавзусининг воқеабанд лирикадаги кўринишлари, уларнинг таълимий-дидактик аҳамияти ҳақида фикрлар берилди. Лириканинг асосий хиллари ҳақида назарий маълумотлар келтирилган монография, дарслик, ўқув қўлланмаларидаги фикрлар бир-бири билан қиёсланиб, шоир индивидуал услубининг шаклланишида муҳим ўрин тутган устозлари Ғафур Ғулом, Ойбек ҳақида сўз юритилди. Хуршид Даврон ижодининг улар шеърлятига ўхшаши томонлари таҳлил этилди. Хуршид Даврон индивидуал поетик услубида Ойбек шеърый услубига хос бўлган этиклик характерли хусусият эканлиги шоир шеърларидан олинган парчалар орқали таҳлил этилди. Шунингдек, унинг устозларига бағишланган шеърлари ва айрим мақолалари ҳақида маълумотлар берилди. Шоир шеърлятида кенг ўрин тутган воқеабанд лириканинг назарий асослари ҳақида тўхталиб ўтилди. Шоир индивидуал услубини аниқлашда унинг адабиёт ва назм ҳақидаги шеърлари муҳим аҳамият касб этиши мисоллар орқали берилди.

Калит сўзлар: лирика, тарихий мавзу, индивидуал услуб, адабий тур ва жанрлар, медитатив лирика, персонажли лирика, ижровий лирика.

ABSTRACT

This article interpreted the literary factors that determine the poetic style of Khurshid Davron, a representative of modern Uzbek literature. Various manifestations of lyricism in the poet's work, meditative, Fusion, eventaband, character, descriptive lyrics were mentioned. It was also mentioned about the genre research and traditions in the poetry of the poet. Poetic examples of the expression of historical themes in genres, the leading theme in the poet's work, were given. Opinions were given about the views of the subject of history in the eventaband lyrics, their educational and didactic significance. Theoretical information about the main

aspects of the lyrics was compared with each other in the Monographs, textbooks, teaching aids and talked about his teachers Gafur Ghulam, Oybek, who took an important place in the formation of the poet's individual style. Aspects of Khurshid Davron's work similar to their poetry were analyzed. The fact that in the individual poetic style of Khurshid Davron, the epicity characteristic characteristic of the Oybek poetic style was analyzed through excerpts from the poet's poems. Information was also provided about his poems and some articles devoted to his teachers. Vageband, who has a wide place in the poetry of the poet, touched upon the theoretical foundations of lyrics. Examples of the importance of the poet's poems about literature and nazm in determining his individual style were given.

Keywords: *lyrics, historical theme, individual style, literary genre and genres, meditative lyrics, lyrics with characters, performance lyrics.*

КИРИШ

Инсониятнинг энг қадимги ижод маҳсули бўлган шеърият жозибадорлиги ва сеҳри билан ҳамма замонларда ўз ижодкорлари ва тадқиқотчиларини мафтун этиб келган. Негаки эпик ва драматик турдан фарқли ўлароқ лирикада жанр ва шакллар ниҳоятда ранг-барангдир. Шеъриятдаги бу турфа хиллик кўпинча шоир поэтик услубини белгиловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Умуман, бир шоир услубининг шаклланишида, унинг қайси маконда, тарихнинг қайси палласида ҳаёт кечирганлиги ҳамда қандай адабий муҳитда ижод этиб, кимларнинг ижодини ўрганганлигини билиш муҳим ҳисобланади. “Шунингдек, ёзувчилар ҳам характер-хусусияти, қизиқиши, тушунчаси, психологияси билан ҳар хилдир. Бир томондан, воқеа-ҳодисаларнинг, предметларнинг кўп қирралилиги, иккинчи томондан, ҳар бир ижодкор шахсининг (айни пайтда шоир-ёзувчининг) ўзига хос характер, тушунча, билим ва психологияга эга эканлиги-ана шу икки муҳим фактор бирлашиб, адабиётда ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хос бўлиши учун реал замин ҳозирлайди”.¹ Қуйида ижоди тадқиқ объекти этиб олинган шоиримиз Хуршид Даврон ҳақида сўз юритар эканмиз, биринчи навбатда, унинг қадимий шаҳар Самарқандда ўсиб-улғайиб, унинг кўхна тарихи ижодкорда ҳамиша ифтихор туйғуларини, тарихга бўлган қизиқишларини уйғотганлигини айтиб ўтмоғимиз даркор. Шоир ўз ижоди давомида тарих мавзусига кенг қамровли равишда тўхталди. У бу мавзуни нафақат шоир сифатида, балки носир, драматург, публицист сифатида ёритди. Унинг «Самарқанд хаёли» (1991) тарихий эссеси,

¹ Н.Шукуров “Услублар ва жанрлар”. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1973, 5-бет.

«Соҳибқирон набираси» (1995), «Шаҳидлар шоҳи» (1997) каби тарихий қиссалари, «Мирзо Улуғбек», «Бобур шоҳ», «Аврангзеб» каби тарихий мавзудаги драмаларни яратганлиги бундан далолат беради. Шунингдек, унинг 21 қисмли «Темурнома», 2 қисмли «Бухоройи Шариф» видеофильмлари сценарийлари муаллифи эканлиги бизга маълум.² Албатта, тарих мавзуси Хуршид Даврон ижодининг бир қирраси ҳисобланади, лекин бу мавзу унинг ижодида ғоявий асосни ташкил этади, ўтмиш мавзуларисиз шоир индивидуал услуби ҳақида сўз юритиш имконсиз. Хуршид Даврон ижодини бир қадар тадқиқ этган адабиётшунос Жумагул Жумабоевнинг «XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати» монографиясида шоир ижодининг ушбу хусусияти ҳақида кўпгина қимматли фикрлар берилди: «Тарих Хуршид Даврон шеърлятида ҳам ўзига хос бир тарзда намоён бўлади. У ҳам кўпинча қаламкаш дўстлари сингари тарихий жойлар, шахслар қисматини, кураш йўллариини замонага ибрат сифатида таништиришга ҳаракат қилади. Ана шу жараёнда лирик қаҳрамон руҳий олами теранлик билан очилади ва унга даврнинг ўтказган таъсири аниқ намоён бўлади. Х.Даврон Чор ҳукумати босқинига бағишланган бир қатор шеърлар ёзган. Бу шеърлар халқимиз тарихининг сохталаштирилган саҳифаларининг ҳақиқатларини билишда муҳим аҳамият касб этади».³ Чиндан ҳам, шоир шеърлятида халқимиз ўтмишининг Чор ҳукумати босқини давридаги лавҳалари кенг ўрин эгаллайди. Унинг ижодида миллатпарвар сиймо бўлган Намоз ботир ҳақидаги бир қатор шеърлар (уларни туркум шеърлар ҳам дейиш мумкин) юқоридаги фикрларнинг далилидир. «Хуршид Давроннинг «Намоз йўли», «Намоз ҳақида кўшиқ», «Ботир Намоз ўлими», «Намознинг қиличи ҳақида эртақ» шеърларида интиқом, қасос маслага ҳукмрон...»⁴ Адабиётшунос Хуршид Даврон тарихий шеърляти таҳлил ва талқинларини келтирганда асарларнинг қаҳрамонлари ва улар руҳиятига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, Д.Нусратуллоевнинг «Хуршид Даврон индивидуал услуби ва поэтик маҳорати» мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги учун қилган диссертациясида шоир индивидуал услубининг бу жиҳати бир қадар ёритилган. Хуршид Давроннинг бетакрор шеърляти ва услуби ҳақида сўз юритганда биз ҳам унинг, аввало, тарих билимдони эканлигини назарда тутиб, сўнгра шоир ижодидаги мавзу ва шакллар ранг-баранглигига эътибор қаратдик.

² Маълумотлар <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/xurshid-davron/> дан олинди

³ Жумагул Жумабоева. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. «Фан» нашриёти. 2004.-211-бет

⁴ Ўша асар 212-бет.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Айтиш мумкинки, Хуршид Даврон ҳозирги замон адабиёти намояндаси. Унинг шеърияти ҳозирги замон адабиёт дарғалари бўлган Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби шоирлар ижодидан таъсирланиб, уларга ихлос қилиб шаклланганини алоҳида айтишимиз даркор. Шоир ижодининг умумийўналиши юқорида санаб ўтилган ижодкорларимизга айрим жиҳатлардан ўхшаш. Жумладан, Ғафур Ғулом шеърий услубидаги “Фалсафий мулоҳазалар, тарихий қиёслар”⁵, Ойбек ижодидаги шеъриятидаги шахсий кечинмалардан жамият дардининг устунлиги. Шу ўринда шоирнинг ўзи Ойбек шеърияти ҳақида ёзган “Ўчмаган овоз, сўнмаган қон” мақоласидаги фикрларига тўхталиб ўтиш жоиз: “Шеъриятнинг ижтимоий томони, албатта, унинг бош хусусияти эмас. Лекин у энг сўнгги ва белгиловчи кучга эга. Шеър шоирнинг шахсий кечинмаларини бузиб чиқа олгандагина, озодлик, ҳақиқат, бахт, ўлим ҳақидаги умумбашарий ўйлар даражасига кўтарилади. Фақат шундагина ижтимоийлик эстетик қарашлар билан кесишади. Ҳақиқий санъатнинг, ҳақиқий шеъриятнинг охир-аввали ҳам шундадир. Буни Ойбек ўз ижоди билан исбот этди».⁶ дейди. Бизнингча, Хуршид Давроннинг Ойбек ҳақидаги бу фикрларини унинг ўз ижодига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Шоир ижодининг катта қисмини ташкил этувчи Ватан мадҳи ва унинг тарихи ҳақидаги шеърлар, воқеабанд лирикасига мансуб шеърларида яратилган кўплаб лирик қаҳрамон ва персонажлар қисмати ҳақидаги кечинмалар бунга мисол бўла олади. Бир шоир ижоди тадқиқи ҳақида сўз юритилар экан, албатта, унинг қалбининг кўзгуси бўлган шеърий иқдорларига назар солмоқ ҳам аҳамиятга эга. Шу ўринда шоирнинг бу мавзудаги айрим шеърий парчаларини таҳлил этишни лозим топдик.

*Адабиёт –шеър, дoston эмас,
роман эмас, ҳикоя эмас,
Адабиёт-рутубат аро
Ҳайрат билан ютинган нафас.*

*Адабиёт-на сокин оҳанг,
На бақириқ, на қайгули ун.
Адабиёт-она халқ учун,
Ватан учун, севги учун жанг.*

⁵ Н.Шукуров “Услублар ва жанрлар”. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1973, 9-бет.

⁶ <https://kh-davron.uz/ijod/maqolalar/xurshid-davron-ochmagan-ovoz.html>

*Адабиёт-баҳорга, қишга
Мадҳиямас ўн икки қулоч.
Адабиёт- олис ўтмишига,
Келажакка бўлган зўр ишонч.⁷*

Шоир ижодининг дастлабки паллаларида ёзилган(1979) ушбу шеър, бизнингча, унинг шеърини ижодига дебоча сифатида келтирилган бўлиб, шоир унда ўз ижодий йўналишини белгилаб олгандек. Чунки унинг Ватан мадҳига, унинг тарихига, дардли ўтмишига бағишланган шеърлари шунчаки мадҳ учун ёзилмаган. У ўз шеърларга танлаган лавҳалар, тарихми ё бугунми, кишини кўпинча ўйлатади, виждонини, туйғуларини безовта қилади. Унинг “Афросиёб деворидаги дoston” шеърдан олинган ушбу парча ҳам шоирнинг ижод ва ижодкор қисмати ҳақидаги фикрларининг умумлашма ифодаси эканлиги билан эътиборимизни тортди:

*...Шоир эса халқнинг кўзидир,
Хира тортиб қолмасин бу кўз.
Нурга чўмсин,
Нурга йўғрилсин
Юракларда яшаётган СЎЗ.
Шоир мисли ўтли чегара,
Даврларнинг ўтли ораси.
Неки кечди ва неки кечар,
Ватан эрур кўзим қораси.⁸*

Кўринадикки, шоир ижодидаги етакчи мавзу, аввало, Ватанга муҳаббат. Шунинг учун ҳам ижодкор тарих мавзуларига қайта-қайта мурожаат қилади. Ўзини “даврларнинг ўтли чеграси” деб билади. Боболарнинг, момоларнинг Ватан ва халқ тақдири йўлида қилган жасоратларини ёритиш ва ўз ижоди билан келажак авлодга таъсир кўрсатиш, уларда тарихга ифтихор туйғуларини уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги замон тур ва жанрлари ҳақида сўз юритилар экан, улар адабиёт назариясига оид турли дарслик, ўқув қўлланмалари ва монографияларда турлича тасниф этилади. Масалан, адабиётшунос Н.Шукуровнинг “Услублар ва жанрлар” монографиясида лирик тур “1.Ижтимоий-публицистик лирика. 2. Интим лирика. 3.Рамзий лирика 4.Воқеабанд лирика. 5.Ҳажвий лирика”⁹ га ажратилади. “Адабий тур ва

⁷ Хуршид Даврон.Қақнус. Тошкент. “Ёш гвардия” нашриёти. 1987.-33-бет.

⁸ Хуршид Даврон.Қақнус. Тошкент. “Ёш гвардия” нашриёти. 1987.-24-бет.

⁹ Н.Шукуров “Услублар ва жанрлар”.Ғаффе Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1973, 96-бет.

жанрлар” асарининг 2-жилдида “Кечинма, лирик тасвир, образга айланади, лирика учун тавсилот эмас, балки кечинма муҳим, у интим, фалсафий, сиёсий, маиший, трагик, ҳажвиёна, юмористик, комик бўлиши мумкин; бир шеърдаги кечинмада бу ҳолатларнинг биттаси ё бир нечтаси акс этиши, бунда кечинма ҳаракати келиб чиқиши табиий ҳол”¹⁰ дея лирик кечинма хилларга ажратилади. Адабиётшунос Д.Қуронов эса лирика шаклларига жанр сифатида қараб, уларни қуйидагича таснифлайди: “4)ҳозирги шеърят жанрлари: автопсихологик лирика (унинг кўринишлари сифатида медитатив лирика ва интеллектуал лирика), ижровий лирика, тавсифий лирика, воқеабанд лирика.”¹¹

Шунингдек, “Адабий турлар ва жанрлар” китобининг лирикага аталган қисмида лириканинг медитатив лирика, символик лирика, персонажли лирика, воқеабанд лирика каби кўринишлари санаб ўтилган.¹²

Адабиётшуносликдаги лирика кўринишларига берилган таърифларга асосланган ҳолда Хуршид Даврон лирикасини ҳам қуйидагича таснифлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1. Медитатив (соф) лирика 2.Воқеабанд лирика. 2.Ижтимоий-публицистик лирика. 3.Ижровий лирика 4. Тавсифий лирика. Унинг ижодий характери белгиланган тарихийлик эса мавзу сифатида ўрганилса мақсадга мувофиқ. Ваҳоланки, шоир ижодидаги барча лирик кўринишларида ушбу мавзуга оид воқелик ёки унга ишора қилувчи бадиий унсурлар кўзга ташланади.

Шоир Хуршид Даврон шеърятга назар ташлар эканми, унинг XX асрда ўзига мавжуд жанр ва шакл яратиш анъаналарига содиқ қолган ҳолда уларни назарий жиҳатдан эътироф этиб, мумтоз(сара) ҳолатда сақлаб қолишга интиланганини кўришимиз мумкин. Аксарият шеърларида қофия, бандларга бўлиниш, шеърини санъатлар назариясига тўла амал қилинган. Шунингдек, мазмун жиҳатидан ҳам шоир адабиётнинг бош вазифасини унутмайди: ўзининг дидактик қарашларини шеърлари маъзига сингдиради. Шунинг учун у лириканинг қайси кўринишида шеър ёзмасин уларга ёш авлод учун дарсликларига киритиладиган аксарият шеърлар каби ватанпарварлик, қадриятларга ҳурмат руҳи сингдирилган, тарихий воқелик билан акслантирилгандир. Шоирнинг айрим академик лицей дарсликларига

¹⁰Адабий тур ва жанрлар. (тарихи ва назариясига оид) Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. Тошкент. ЎзФА “Фан” нашриёти 1992.-18-бет.

¹¹ Д.Қуронов “Адабиётшуносликка кириш”Тошкент. ЎзФА “Фан” нашриёти. 2007.-187-бет

¹² Адабий турлар ва жанрлар (Тарихи ва назариясига оид) Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика.Тошкент. ЎзФА “Фан” нашриёти. 1992.-15-23-бетлар

киритилган “Падаркуш”, “Ота қабри”¹³ шеърларида тарихнинг энг драматик лавҳалари қаламга олинганлиги ва ривоятнинг миллий ғурур ва ўзликни англаш руҳияти сингдирилган мазмундагиси танлангани билан диққатга сазовор ва бу каби шеърлар шоир бисотининг анчагина қисми ташкил этади.

Шоир шеърлятида воқеабанд лириканинг алоҳида ўрни бор. Лириканинг бу кўриниши бирмунча мураккаб ва мунозарали бўлиб, маълум сюжетга асосланган ҳолда назм намунасини яратиш шоирдан юксак маҳорат талаб этади. “Сюжетлилик- лириканинг ҳаётий хусусиятларидан бири. Лирика реал воқеликнинг акс-садоси экан, унинг ички элементи бўлмиш ҳис-кечинмани ҳам, ташқи элементи бўлмиш предмет ёхуд ҳодисани ҳам айни маҳорат билан ифодалаши, тасвир этиши табиий. Сюжетли шеърда ана шу иккала элемент ифодаси ўқувчига бир йўла намоён бўлади”¹⁴

ХУЛОСА

“Лирика учун воқеалар ичидан муҳимлардан муҳимларигина керак холос, лирикада ўша муҳим воқеанинг ҳам батафсил тавсифи эмас, балки моҳияти даркор”¹⁵ Хуршид Даврон шеърлятидаги воқеабандлик ниҳоятда хилма-хил. Унинг ижодида тарихнинг турли паллаларидаги воқеалар ёки айни замондаги, ижтимоий ҳаётнинг турли воқеалар сиқик ва ибрат берувчи тарзида ёритилган. Унинг ижодида ривоятларга асосланган кўпгина ижод намуналарини ҳам кўришимиз мумкинки, бундай шеърларнинг бари адабиётшунослик назариясига бағишланган китоблардаги воқеабанд лирика ҳақидаги қоидаларга тўла мос келади. Шоир лирикада воқеабандликни ифодалар экан, шеърнинг ғоявий мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли жанр ва шаклларга мурожаат этади, шеър композицион тузилишини мазмунни теран ифодалаши учун энг маъкул кўринишларга келтиради. Масалан, унинг “Шаҳардаги олма дарахти” тўпламидан ўрин олган қуйидаги шеър таҳлилига эътибор қаратамиз.

Мен-тирик хотираман-қишлоғимга қайтганда,

Мен йўғимда ўлганлар тирилади қайтадан.

-Узоқ бобо омонми?-Бошлар эгилар гамгин.

-Қумри кампир?-Сукунат менга жавобдир тагин.

Шеърда лирик қаҳрамоннинг шу тарзда бошқа ҳамқишлоқларининг яқинлариини ҳам сўраб, кўп воқеалардан беҳабарлиги туфайли, уларни ва

¹³ Адабиёт. Мажмуа. Академик лицейларнинг учинчи босич о`увчилари учун. ИИИ китоб. Тошкент-2018.-594-бет.

¹⁴ Адабиёт назарияси 2 томлик 1-том. Адабий асар. Тошкент 1978, 305-бет

¹⁵ Адабит тур ва жанрлар.2-жилд. Лирика. Тошкент. О`зФА.”Фан” нашриёти. 1992-йил.-22-бет

ўзини ноқулай аҳволга туширганлиги тасвирланади. Шеърдаги куйидаги иккиликда эса лирик қаҳрамоннинг айна ҳолатидаги энг драматик вазияти шеър сюжетининг кулминацион нуқтаси сифатида келтирилган:

*Баъзан билмай хатимда “отам соғми?” деб битдим,
Билмадимки, қанчалар онамни эзди хатим.¹⁶*

Шеърда қисқа сюжет орқали ҳаётда тирикчилик деб инсон ўзининг туғилиб ўсган қадрдон гўшаси, яқинларидан қай даражада узоқлашиб кетиши мумкинлиги ҳақида шафқатсиз хулоса ифодаланган. Бу эса ҳали шеърдаги воқеалар бошланмасидан олдин келтирилади: **“Мен-тирик хотираман”**. Шеър якунига қадар уч маротаба такрорланган ушбу жумла ижодкор поэтик нияти асосида тузилган шеър композицион тузилишининг асосини ташкил этади. Яқинларидан узоқлашиб кетган инсоннинг марҳумлар қаторидаги хотирага айланиб қолиши ҳеч гап эмаслиги ҳақида таъсирчан фикрларни келтириб чиқаради. Шеърда сюжетли назм композицияда учровчи такрорий сўз ва жумлаларнинг шеър бўйлаб ёйилиши кўзга ташланади. Хуршид Даврон ижодидаги бошқа шеърларда ҳам воқеабандликни мукамал ифодалашнинг ўзгача топилмаларини кўришимиз мумкин. Бу эса лирикада эпикликка хос тасвирларни маҳорат билан қўллай оладиган шоирнинг индивидуал усуби хусусиятларидан бири ҳисобланади.

REFERENCES

1. Адабий тур ва жанрлар. (тарихи ва назариясига оид) Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. Тошкент. ЎзФА “Фан” нашриёти 1992.-248 бет.
2. Д.Қурононов “Адабиётшуносликка кириш”Тошкент. ЎзФА “Фан” нашриёти. 2007.- 228 бет
3. Адабиёт назарияси 2 томлик 1-том. Адабий асар. Тошкент 1978.- 416 бет
4. Жумагил Жумабоева. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти. 2004.-336 бет.
5. Н.Шукуров “Услублар ва жанрлар”.Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1973, 170 бет.
6. Хуршид Даврон. Қақнус. Тошкент. “Ёш гвардия” нашриёти. 1987.-208 бет.
7. Хуршид Даврон. Шаҳардаги олма дарахти. “Ёш гвардия” нашриёти. Тошкент. 1979-йил.-39 бет.
8. <https://kh-davron.uz/ijod/maqolalar/xurshid-davron-ochmagan-ovoz.html>

¹⁶ Хуршид Даврон. Шаҳардаги олма дарахти. “Ёш гвардия” нашриёти. Тошкент. 1979-йил.-28-бет.